
Данғара тумани ёшлари спортнинг пара енгил атлетика туридан фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-201-сонли қарорига мувофиқ Маҳаллаларда истиқомат қилувчи жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида "Беш ташаббус паралимпияси" оммавий спорт мусобоқасининг республика финал босқичи жорий йилнинг 28-29-июн кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Ушбу мусобақада Данғара тумани ёшлари спортнинг пара енгил атлетика туридан Қашқар МФЙсидан Эсонов Самандар, Уймовут МФЙсидан Ғофурова Роҳилахон Ф-57 йўналиши ядро ирқитиш бўйича иштирок этиб фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги, Миллий паралимпия қўмитаси томонидан медал, махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

